

Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqqan boshlagan

№ 117 (7.110). Sotuvda erkin narxda



Куннинг муҳим воқеалари

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорга имзо чекди.
- 26-27 сентябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.
- Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган республика Интернет-марафонда Наманган вилояти вакиллари кўп совринли ўринларни кўлга киритди.
- Тошкентда "Содалаштирилган солиққа тортиш тизими: долзарб муаммолар ва ечимлар" мавзусида анжуман бўлди.
- Пойтахтимизда Алоқа соҳасидаги минтақавий ҳамдўстлик ҳузуридаги Ахборот хавфсизлиги бўйича комиссиянинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.
- Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги республика терма жамоасини шакллантириш, мамлакат миқёсида ўтказилган мусобақаларга тайёргарлик кўриш мақсадида ёшлар ўртасида велоспорт пойгагини ўтказди.
- Тошкентда болалар оторинологиясининг долзарб муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуман бошланди.
- Пойтахтимиздаги "Ўзқўрғазмасавдо" республика армарка савдо марказида ўтказилган «ICT Expo-2006» ахборот технологиялари биринчи миллий кўرғазмаси доирасида ёшлар интернет марафони голибларини тақдирлаш маросими бўлди.
- Тошкентда фуқаролик жамияти қурилиши жараёнида босма оммавий ахборот воситалари фаолиятини ривожлантиришга бағишланган медиафорум ўтказилди.
- Тошкент ахборот технологиялари университетиде пойтахтимизда давом этаётган "InfoCom-2006" Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида "Осиёда ахборот технологияларини ривожлантириш" ва "Осиё тилларини қайта ишлаш ва ахборот технологиялари" мавзусида иккита халқаро анжуман бўлиб ўтди.
- Пойтахтимизнинг Бобур номидаги истироҳат боғида Жаҳон сайёҳлик кўнига бағишлаб "Экофестиваль" байрами ташкил этилди.



1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни

Истиқлол ниҳоллари

XXI асрда қайси давлат қудратли, қайси халқ кучли бўлади?
Бу саволга, аҳолиси интеллектуал нуқтан назардан барқамол, ёшлари билимли, ор-номусли, ватанпарвар бўлиб униб-ўсайтган давлат, деб жавоб қайтариш мумкин.

таълим-тарбиясини тараққий этган давлатлар даражасига етказмоқ керак, деган масалада мислсиз жонбозлик кўрсатишди. Улар юзлаб янги усул мактаблари очиди, қатъий ўқув режаси тузишди. Мактаб-

Миллат ва маърифат

Истиқлол йилларида юртимиз чиройини очиб юборган кенг ва раво йўللари, муаззам кўприклар, замонавий меъморий иншоотлар, мўътабар зияратхоналар, баҳаво боғу бўстонлар барпо этилди. Кўнглига гурур ва ифтихор бағишлайдиган бу беқиёс ишлар орасида, ҳеч шубҳасиз, таълим тизимидаги ислохотлар алоҳида ўрин тутди.

Қўркам ва маърифатли замонавий лицейлар, янги мактаб ва хараб мактабларда ўқиб кайда-ю, файзли, чаргон, муаззам илм маканларида таълим олиш қавқайди!

Ҳар томонлама гўзал ва мукамил илм ва маърифат даргоҳлари инсонни эстетик жihatдан тарбиялайди ва унинг кўнглини ўстириб, улғу орзулар билан яшашига ундайди.

Шу ҳақда ўйлаганда, беихтиёр ўтган асрнинг бошлари, очлик ва юпунликка, ажал таҳдид солиб турганига қарамай, маърифат ахллари кўрсатган жасорат киши хайрандан ўтади.

Қараг, улар имконсиз бир шароитда миллий тараққиёт-



га тўсиқ бўлган иллатларни бартараф этишга, жамият ҳаётига тоза қон янгилик таъсир кўрсатишга ўзларини бағишладилар. Маърифат ахллари халқнинг қаддини кўтармоқ учун, аввало, ёш авлод

Шогирдлар эъзозиди

Ҳаётимиз билим масканисиз, ўқувчиларсиз тасаввур эта олмаймиз. Шогирдларимизнинг қамолини кўриб кўнглимиз тоғдек кўтарилади.

Улардан бири Фаёз Сафаров бундан олти йил муқаддам математика бўйича республика фан олимпиадасида голиб бўлганди.

Университетда тахлил олган, шогирдим бугун мен билан ёнма-ён ишлаб ёшларга сабоқ бераётти.

Бутун умрим давомида кўзи ожиз болаларга математика фанидан дарс бериб, улар кўнглига илм нурини олиб кирганимдан бахтиёрман.

Ўғил-қизларимиз ақл-идроқли, билимли. Уларнинг салоҳиятини қўрқдан ҳис этиб, ҳукумати-

уйғоқлик бағишлашди. Фитрат айтганидек, "қиммат ва саботи бўлмаган миллатнинг ҳақи-ҳаёти йўқдур!"

Маърифат ахллари кўндан-кўн ёшларнинг тараққий этган мамлакатларга бориб таълим олишига молиявий рағбат кўрсатишган. Аммо хорижда ўқиб, ватанга мутахассис сифатида қайтган ўша иқтидорли зивиллар қисмати ҳам, маърифатпарварларнинг ўзлари каби, қатарон йиллари фожияли яқун тоғлан. У-луг маърифатпарвар Маҳмудхўжа Бехбудий, хатто, сўнгги нафасида ҳам: "Туркистон болаларини маърифатсиз қўймам!" - деб васият қилди.

— Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур. Замона илм ва фанидан бешара миллат бошқаларга паймол бўлур".

(Давоми 3-бетда)

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи

Бекмуродова Гулсора Ҳожибоевна - Мирзаобод туманидаги 4-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Бекжанова Бекпошша Худайберганиевна - Урганч шаҳридаги 1-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Исомидинова Дилоромхон Ёқубжониевна - Янгиқўрғон туманидаги 10-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Курбанбаева Оразгул Карлибаевна - Чимбой туманидаги 7-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Маматқулова Раҳбар - Жиззах туманидаги 28-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси

Сатторов Тоштемир - 5-мехрибонлик уйи директори, Қашқадарё вилояти

Ҳайдарова Бусоат Нураниевна - Охангарон туманидаги 40-мактабнинг немис тили фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнқ кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози”

Нуриддинов Анвар Аҳмадвалиевич - Собир Раҳимов туманидаги 10-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг акробатика бўйича мураббийи, Тошкент шаҳри

Шарипов Иброҳим Исмоилович - Бухоро шаҳридаги 3-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори

Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини тақомиллаштириш, кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, халқимизнинг маданияти ва маънавиятини юксалтириш, ёш авлоднинг ватанпарварлик ва миллий истиқлол гоғларига садоқат руҳида тарбиялаш орқали Ватанимиз мустақиллиги, юртимиздаги тинчлик ва барқарорлини мустаҳкамлаш ишига қўшган муносиб ҳиссаси, кўп йиллик фидокорона хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

“Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси”

Игисинава Пория Айтхожаевна - Томди туманидаги 21-ихтисослашган мактабнинг география фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Турдалиев Сирожиддин - Кува туманидаги 42-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

академик лицейнинг физика фани ўқитувчиси

Усанов Абдумалик Абдураимович - Бандихон туманидаги 18-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Холбоева Махсат - Мирзақул туманидаги 8-мактабнинг физика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Йўлдошева Гулчехра Нарзуллаевна - Бобўрт туманидаги 29-мактабнинг амалиётчи психологи, Сирдарё вилояти

Кобилов Қутли - Қизилтепа туманидаги 27-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Хуббимов Абдусодиқ - Қўшработ туманидаги 10-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Ёш авлоднинг маънавий етуқ ва ҳисмонан соғлом қилиб камол топтиришига қўшган улкан ҳиссаси, уларга билим ва тарбия бериш йўлидаги ибратли фаолияти ва халқ таълими тизимидаги кўп йиллик самарали меҳнати учун қуйидагилар мукофотлансин:

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими”

Аслиев Насриддин - Оқдарё туманидаги 6-мактабнинг кимё фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Хўжабердиев Мамаюсуф Бозорович - Денов туманидаги 81-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Эргашев Искандарбек Обидович - Хўжаобод туманидаги 23-ихтисослашган мактабнинг физика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ордени билан”

Зайнулдин Шухрат Иброҳимович - Кармана туманидаги 15-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Каримбоев Холмурот - Элликкальа туманидаги 30-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан

Бўриев Абдурашид Тилолович - Яққабғ туманидаги 37-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Каймонова Фазолат Камолониевна - 1-мехрибонлик уйи тарбиячиси, Навоий вилояти

Каримова Мархабо Даврониевна - Когон шаҳридаги 4-мактаб директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари, Бухоро вилояти

“Фидокорона хизматлари учун” ордени билан

Зайнулдин Шухрат Иброҳимович - Кармана туманидаги 15-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Каримбоев Холмурот - Элликкальа туманидаги 30-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

“Мехнат шухрати” ордени билан

Белова Вера Алексеевна - Миробод туманидаги 110-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Бўрибеков Анвархўжа Баҳобович - Қийраб туманидаги 4-мактабнинг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Ембергенова Тамирахан Айтмурадиевна - Шуманай туманидаги 1-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Эшмуродова Мавлуда Маматовна - Қамаш туманидаги 4-мактабнинг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Қурбонова Қизларнон Авазиевна - Қоровулбозор туманидаги 3-мактаб директорининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари, Бухоро вилояти

“Дўстлик” ордени билан

Бобоназарова Фазилла Кодировна - Пахтакор туманидаги 4-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Ломухина Валентина Ивановна - Мирзо Улўғбек туманидаги 210-мактаб директори, Тошкент шаҳри (Давоми 2-бетда)

2

Дунё саҳнасида

Модернизация жараёни

“Қарши ёғ-экстракция” акциядорлик жамиятида республика “Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати” уюшмасининг ташаббуси билан халқаро стандартга мос сифат менежменти тизимини жорий этиш ва бошқа долзарб масалаларга доир семинар-кенгаш ўтказилди.

Унда пахта чигитини қайта ишлашга ихтисослашган корхоналар фаолиятини тубдан яхшилаш, соҳани модернизация қилиш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ҳамда микдорини ошириш борасидаги долзарб масалалар муҳокама қилинди. Шу пахта ҳосилидан **Анжуман** қабул қилинадиган техника пахта чигити ишлаш, ишлаб чиқариладиган рафинацияланмаган ва рафинацияланган пахта ёғи чиқиши сифатини яхшилаш, ишлаб чиқаришга замонавий техника ва илгор технологияларни жалб этиш масалалари таҳлил қилинди.

Семинар-кенгаш доирасида “Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати” уюшмаси таркибидagi корхоналар томонидан истеъмолчиларга тақдим этилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари кўрғазмаси ҳам ташкил этилди. Анжуманда республика “Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати” уюшмаси раиси М.Ғафуров ва Қашқадарё вилояти ҳокими Н.Зайниев иштирок этди.

Ф.БОЗОРОВ

АВТОТРАНСПОРТ - КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА!

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ “ГАЗ” ВАЖИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬУТЕРИ - AVTODOM PLUS

“ГАЗ” русумли 50 хилдан зиёд автотранспорт - 1,5-4,5 тонналик юк машиналари, 3-7 ўринлиқли, 0,8 тонна юк кўтарилган фурголар, 6-15 ўринлиқли микроавтобусларни сотади.

Ҳақ тўлаш исатланган усулда!

700015, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16А-уй. Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Ўқитувчилар ва мураббийлар кўни муносабати билан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнук кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

(Боши 1-бетада) Махкамов Ахмаджон Мўминович - Бағдод туманидаги 11-мактабнинг француз тили фани ўқитувчиси, Фаргона вилояти

жорий этишда эришган муваффақиятлари учун куйилдиғилар мукофотлансин: "Шухрат" медали билан Абдуҷабборова Бувнора Абдураҳмонова - Гулистон туманидаги 1-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

товна - Бўстонлик туманидаги 125-максус мактаб-интернатининг меҳнат таълими ўқитувчиси, Тошкент вилояти

нидаги 25-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Андижон вилояти

марказининг зардўзлик санъати тўрағи раҳбари Султонова Насиба Муҳаммаджонова - Поп туманидаги 23-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

биевна - Мингбулоқ туманидаги ихтисослашган мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Наманган вилояти



Ўқувчиларни гаровга олди

АҚШнинг Бейли шаҳридаги Platte Canyon мактабидан фоҳиша юз берди.




Мактаб биносига бостириб кирган 30-40 ёшлардаги қуролланган шахс олти нафар ўқувчини гаровга олган.

қилиб, қизларни озод этишга уринган. Аммо жиноятчи бир ўқувчи қизга ўқ узиб яралаган ва ўзини отиб ўлдирган.

Айирмачига жазо

Гаага халқаро трибунали Босния сербларининг собиқ раҳбари Радован Караджичнинг яқин издоши Момчило Крашичқа нисбатан ҳукм ўқиди.



Крашич 1992-1995 йилларда Боснида этник тозалашни уюштиришда айбдор, деб топилди.

900 километрлик девор

Саудия Арабистонининг Ироқ билан chegaradosи ҳудудда 500 миллион долларлик девор қад кўтарилди.



Мамлакат оммавий ахборот воситалари маълумотига кўра, қурилиши кўзда тутилган девор чегаралардаги экстремистлар йўлига тўсиқ бўлади.

Исбот етарли бўлмади

Исроил ҳарбий трибунали Фаластин бosh вазирининг ўринбосари Носир Шоирни қамқодан озод этди.



Унинг адвокатлари суэларига кўра, Носир Шоирни айблаган етарли исбот-далил бўлмагани сабабли трибунал шундай қарорга келган.

Ҳосил - 2006:

Ҳал қилувчи дамлар

Олтин қузнинг саховатли дамлари ўтиб борапти. Пахтакорларимиз кўзланган натижага тезроқ эришиш йўлида ҳар бир фурсатни ганимат билдиб, йиғим-терим суръатини кун сайин ошироқдалар.

Сурхондарё, Бухоро, Қашқадарё ва Қорақалпоғистон Республикаси "оқ олтин" усталарининг катта қаровни йиллик марра сари дадил интилишавтган бўлса, Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг пахтакорлари кунига йиллик режанинг 4-5 фоизи микдорда ҳосил топишиб, йиғим-теримда юкка сафарбарлик ва уюшқоқлик намуналарини кўрсатмоқдалар.

Октябрь останада турибди. Бундан буюғига ҳам ҳавою ҳажон туриб беради, деб ҳеч ким қафолат беролмайди. Энг муҳими эса, деҳқонларимизнинг йил бўйи қилган сиқидил меҳнати маҳсули, асосий бойликларимиздан бири, фаровонлигимиз манбаи, миллий ифтихоримиз бўлган пахтаимизнинг асосий қисми ҳали далаларда, чанокларда турибди.

Улар 20365 тонналик улкан хирмонни тезроқ бунёд қилишга интилишмоқда. Шартномавий режаларини

Сармижонлик Махбуба Фаниева намозшом маҳали уйига хурсанд қайтди. Далада кун бўйи пахта тортган кишининг кечқурун қушдек енгил тортиб қайтиши қандоқ бўлди дейсизми? Бунинг боиси... Унинг қўлига "пахта пули" теғди.

Икки беш кунлик натижасига кўра, 250 минг сўмдан зиёд пул олди. Ун иш кунда шунча пул айтишгана осон. Аммо ҳозир гап ваҳда эмас. Гап ҳалол меҳнат эвазига топилган пулнинг баракасида.

Яхшиланади борапти. Бугун ишлаган одам кам бўлмайди. Бош пудратчи Дилмурод Қурбонов учун ҳам бугун тигиз кунлар.

Хоразм воҳасида пахта йиғим-терим ажл палласига кирди. Хивалик миришкорлар эса олдинги сафларда боришяпти.

Қалб даъватига айланган

Улар 20365 тонналик улкан хирмонни тезроқ бунёд қилишга интилишмоқда. Шартномавий режаларини

Ҳам ёрдам, ҳам фойда

Янгиерлик ҳиммати олий ҳашарчилар вилоятнинг Сардоба, Ховос, Бобўут туманларида кунига 230-250 тоннадан пахта теришяпти. Терим пулининг кундалиги кунда берилаётгани иш суръатига суръат қўшмоқда.

Қалб даъватига айланган

Улар 20365 тонналик улкан хирмонни тезроқ бунёд қилишга интилишмоқда. Шартномавий режаларини

Ҳам ёрдам, ҳам фойда

Янгиерлик ҳиммати олий ҳашарчилар вилоятнинг Сардоба, Ховос, Бобўут туманларида кунига 230-250 тоннадан пахта теришяпти. Терим пулининг кундалиги кунда берилаётгани иш суръатига суръат қўшмоқда.

аллақачон бажариб, илк довондан ошган фермерлар сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Муваффақиятлар омида ҳақида туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлими бош-

Қалб даъватига айланган

Улар 20365 тонналик улкан хирмонни тезроқ бунёд қилишга интилишмоқда. Шартномавий режаларини

Ҳам ёрдам, ҳам фойда

Янгиерлик ҳиммати олий ҳашарчилар вилоятнинг Сардоба, Ховос, Бобўут туманларида кунига 230-250 тоннадан пахта теришяпти. Терим пулининг кундалиги кунда берилаётгани иш суръатига суръат қўшмоқда.

Жанжалга сабабчи лавҳа


Польшанин кўпгина шаҳарларида норозилик намоийшлари бўлиб ўтди. Намойиш қатнашчилари ҳукумат истеъфосини талаб қилишмоқда.



Бунга қоршанба кўни мамлакатнинг йирик телеканали TVN орқали эфирга узатилган видео лавҳа сабаб бўлди.

Сабрнинг охириги томчиси

Япониялик Хироки Эномото йўл ҳаракати қонда-сини бузгани учун 300 миллион иен (2,5 миллион АҚШ доллари) миқдорда жаримага тортилди. Бу ҳам камлик қилганидек, у яна 2 йилга 4 ой қамқода ўтириши лозим.



Унинг биргина айби автомобилни маст ҳолатда бошқаргани бўлди. Бундай аёвсиз ҳукм Япония ҳукуматиининг сарҳуд ҳолда рулга ўтиришга чек қўйиш компаниясини доирасида амалга оширилган. Охириги йилларда Японияда инчилик оқибатида йўл ҳаракати фожиалари авж олиб кетган.

Қисқа сатрларда

Ҳашар

Хоразмда вилоят касба уюшмалари бирлашмасининг тақлифи асосан Хоразм Маъмур академиясининг 1000 йиллигига тайёргарлик кўриш мақсадида хайрия ҳашари бўлиб ўтди.

Ҳашардан тушган маблағ "Маъмур академиясининг 1000 йиллиги" дирекцияси ҳисоб рақамига ўтказилди.

Хўжалиқшунослар семинари

Хоразм вилоят хўжалиқ судида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоят хўжалиқ судларининг судьялик лавозимини захирасига олинган номзодлар билан семинар ўтказилди.

Ийгилишда судьяликка номзодлар касб маҳоратини ошириш, масъулиятини кучайтириш, суд тизимига қўнунчиликка риоя қилиш тўғрисида маърузалар тингланди, саволларга ҳуқуқшунослар жавоб қайтарди.

Ихтиро

Урганч давлат университетининг кимё-технология факультети доктори, профессор Мақсуд Жуманиёзов кўп йиллик илмий излашлари натижасида "коррозия"га қарши қоплама ихтиро қилди.

У қора металллар - қувурлар, арматуралар ва бошқа металл конструкцияларни занглашдан самарали ҳимоя қилади. Уни ишлаб чиқаришда кенг қўлланадиган бўлиши ва бошқа металл конструкцияларни занглашдан самарали ҳимоя қилади.

Ушбу ихтирога биринчи бўлиб ҳорижлик тадбиркорлар буюртма беришди.

Холмурод ҚУРБОНОВ "Теран"нинг теран ишлари

Зарбдор туманидаги Лалмикор фуқаролар йиғини ҳудудда ўтган йили "Теран" хусусий савдо фирмаси иш бошлаганди.

Бу вақт мобайнида фирма ҳудудда ишлаётган ёлғиз қарияларни, касалхоналарни, 1-2-иқтидорли болалар мактабини 8 тур озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдек масъулиятни ваъзифани бажариб, мижозларнинг эътиборини қозонди. Яқиндан бошлаб "Теран" қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларини етиштираётган фермер хўжалиқларига ҳам хизмат кўрсатишни йўлга қўйди.

Сайдулло ҚОЗОҚБОВ

Нафс шундай йвуз кучки, уни бошқариш ёки яловлаш жуда мушкул. "Уз нафсини мағлуб этолган марддир", дейди Абу Абдулло Рудакий. Кўп холларда, аксинча, нафс инсонни мағлуб этади. Оқибатда бундай инсон дийнатсизлик кўчасига кириб, ўз бошига турли бало-қазоларни келтиради, ўзгаларга зарар беради.

Баъзилар нафс деганда фақат очкўзлик, очофатлик, тамағирлик ва бошқа ҳиссиётларни тушунишди. Холбуки, айш-ишратга ва шахвоний ҳиссиётга берилиш, одоб-ахлоқ доирасидан чиқиш, мансаб-мартабани суиистеъмол қилиш, шунингдек, дийнатсизликнинг бошқа кўринишлари ҳам нафсга эрк бериш саналади. Буни Абу Али ибн Сино шундай ифодалаган:

Эй нафс, орзу-хавас кишиданан кет, бир дам ҳимояси учун шитоб эт.

Дунё, мансаб дема, умча ишвага, Дўстлардан ажраб ҳам ёв бошига эт.

Яъни ёв - нафс, унга эрк берсангиз, сизни кишанлаб эрксиз қилади. Нафси бузуқ дўстлардан ажраб бўлса ҳам ундан ўзимизни ҳимоя қилишимиз шарт. Акс ҳолда

Нафсини мард енгади

софиллик қурбони бўламан. Биз ақлдан озиш нима эканлигини яхши биламиз. Бироқ йўлдан озишни-чи? Тўғриси, унга кўпам аҳамият бермаймиз. Билганини қилсин, деб қўялоамиз. Ваҳоланки, ақлдан озишдан кўра йўлдан озишнинг оқибати ёмонроқ. Одатда, ҳар бир хатти-ҳаракати билан (руҳий касал ёки соғлом бўлишидан қатъи назар) ўзига зарар келтирадиган одамга нисбатан "ақлдан озганми", деймиз. Йўлдан озган одам эса бошқаларга ва жамиятга зарар келтиради. У ўз манфаати, айш-ишрат, бошқаларни лол қолдирадиган "орзу-хаваси" йўлида дийнатсизликнинг барча усулларини ишга солади. Бунда унга шайтоний хирс-нафс куч бағишлайди. Нафси хаккалаётган одамнинг йўлдан озиши жуда осон. Чунки, жилов шайтоннинг қўлида бўлади.

Тамағирлик - нафсга эрк беришнинг энг оммалашган кўриниши. Аслида дангал "Сендан угина-мендан бугина"си осон. Бироқ бунда жиловни шайтоннинг қўлига бериб, ўзингиз ҳам дийнатсизлик қўчасига кириб қоласиз. Энг даҳшатлиси шуки, нима-ларнидир баҳона қилиб орамизда тамағирликни оқлаётган одамлар ҳам бор. Афсуски, бу иллат оила-

индинга келинг", эса ёлғиз усули дейиш мумкин. Кейингиси кенг тарқалган бўлиб, инсоннинг иши тушадиган аксарият корхона, муассаса, ташкилот, хизмат идораларида илдири отган. Сиз охириги йўлкира ҳақингиз қолғунча қатнайверасиз, тамағир бюрократ эса ҳар сафар истеҳзо билан сиз-

бўлунги кунда турли тоифадаги раҳбар ва бошқа масъул ходимларнинг хатти-ҳаракатларида кўриб турибмиз. Бундай ҳолатни, ҳатто, айрим ҳамкасбларим ҳаётида ҳам кузатиш мумкин. Бироқ уларнинг кўпроги нафсга эрк бермай, касбини ва маъқени суиистеъмол қилмай ҳалол йўл билан пул топиб яшайётган инсонлар. Нафсга эрк беришнинг тамағирликдан бошқа йўллари ҳам кўп. Қўзбўямачилик, қўшиб ёзишлик, ўғирлик, товланачилик, тазовидан уриб қолиш, бировнинг ҳақиқага ҳиёбат, совғага ўчлик дегандай... уларнинг нафақат йўллари, балки турланиб-тусланиб турадиган

қиёфалари ҳам турлича. Шубҳасиз, бундай қиёфаларни ҳаёда учратиб тураемиз. Фақатгина уларга инсоф тиллаш билан ўзимизга таскин берамиз. Аслида бировнинг ҳақиқага ҳиёбат қилиш нафси бузуқликнинг энг ёмон кўриниши. Бунинг оқибати ёмон: ҳар қандай кишига офат келтириши мумкин.

Муборак Рамазон кунларида нафсга берилишнинг зарарли хусусиятлари ҳақида янада кўпроқ сўзласак, ишончимиз комилки, янада яхшироқ самара беради. Умуман, бу ойда ҳар жиҳатдан нафсни тийишнинг ҳосияти бошқача. Бу ой шунга аҳд қилган одам учун тўри йўлга тушиб олишида қулай имконият ҳамдир. Нафсни тийишни кенг маънода тушуниш керак. Айтайлик, ўзгалар олдида одоб сақлаш, кам гапирриш, кам ёйиш, кам ухлаш, вақтни бекор ўтказмаслик ҳам нафсни тийишдир. Ҳар қандай ҳолатда ҳам нафсга қул бўлмаслик керак. Нафсга эрк бериш охирик белгиси. Аксинча, нафсни енга билиш - мардлик. "Уз



нафсинга бўлсанг амир, мардсен сен", дейди Рудакий. Пайғамбаримиз ўз умматларини нафсга берилишдан оголлан-тирган. Жумладан, бир ҳадисда шундай дейилган:

"Ўзимдан кейин қоладиган умматларим учун уч нарсадан қўрқаман:

1. Нафсу ҳавога берилиб, йўлдан озишдан. 2. Нафсоний ва шахвоний ҳиссиётга берилиб кетишдан. 3. Илму маърифатга эга бўла туриб, гофилларнинг ишини тутишдан".

Шундай экан, нафсга берилишдан қўрқайлик. Илму маърифатга эга бўла туриб, гофилларнинг йўлини тутиш бизга ярашмас. Ақл-идрок билан тўғри йўлни танлашимизда Рамазон ойда қилган тилакларимиз ижобат бўлсин.

Иброҳим НОРМАТОВ, журналист.

Ширкат ва фермер хўжалиқлари, "Қишлоқхўжалиқкимё", ўсимликларни ҳимоя қилиш идоралари раҳбарлари диққатига! "БИ 58 НОВЫЙ" - ДАВР СИНОВИДАН ЎТГАН ИНСЕКТИЦИД

Узбекистонда қўлланганига русчага айлантирилган "БИ 58 НОВЫЙ" препаратини Тошкентдаги ташкилотдан банк орқали маблағ ўтказишни билан сотиб олишингиз мумкин. Тел.: 54-18-79; 54-82-50; 131-44-28.

Тегинли давлат патентлари ва гувоҳномага эга "AVTOTRAK"® ислоний-ишлаб чиқариш маркази кўйидаги хизматларни тақсиф этади: ЗИЛ-130,555... ГАЗ-52,53... САЗ.. автомобилларига ДИЗЕЛЛАР ЎРНАТАДИ ва назорат (ГАИ) идораларига керакли ҳужжатлар тақсиф этади.

МТП, АТП, АРЗ... мутахассисларини ҳамкорликка тақсиф этамиз; автомобилларга дизеллар ўрнатилиши ўз жойларида ташкил этишга кўмаклашамиз, тегишли технологиялар, асбоб-ускуналар билан таъминлаймиз.

Д-243 (МТЗ), Д-144 (Т-28), А-01 ("Алтай"), "Камминз", "Авиа" дизелларини капитал ремонт қиламиз.

Манзилимиз: Тошкент ш., Қорасув-6, Аэродромная кўчаси, 5-уй. (мўлжал: ТЭА -, "Обл. ГАИ") Автобуслар: 21, 49, "Обл. ГАИ" бекети. Телефонлар: 159-48-00. Кечкурун 112-90-43.

ЧФ "AKROM-FARM" зарегирированый в Юнусбадском районе г.Ташкента (код по ОКПО 17780098) ликвидруется. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления. Тел.: 29-92-85.

Утерянный диплом ШВ № 636303, выданный 1993 г. Каршиномским аграрным экономическим институтом на имя Гайфуллы Сагит Гильмуллаевича, считать недействительным.

Самарқанд янгиликлари Иқтисодиёт таянчи Самарқанд шаҳридаги Ёшлар уйида вилоят давлат солиқ қўлғитаси аъзолари, республика газеталарининг вилоятдаги мухбирлари, телерадиожурналистлари иштирокида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Унда замонавий солиқ тизимининг шаклланиши, бу соҳанинг ҳуқуқий асослари яратилгани алоҳида таъкидланди.

Тадбиркорлар, сизлар учун Оқдарё туманида бўлиб ўтган ўқув семинарда тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, касаначилик билан шуғулланувчилар, шахсий ёрдамчи хўжалиқлар ва деҳқон фермер хўжалиқларининг бошлиқлари, вилоят савдо-саноат ҳудудий бошқармаси, "Микрокредитбанк" АТБ вилоят бошқармаси вакиллари иштирок этишди.

Унда тадбиркорликни ривожлантириш, оилавий ва янқа тартибда иш фаолиятини бошлаш учун имтиёзли кредитлар ажратилиши, уларни олиш тартиблари тўғрисида тушунчалар берилди.

Мамадийр ЗИЁДИНОВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.



Вакилларимиз бўш келишмади Германияда ҳарбийлар ўртасида бокс бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда иштирок этган ҳамюртларимиз Дилшод Маҳмудов ва Элиод Расулбеков ўз вази тоифаларида барча рақибларини мағлуб этиб, жаҳон чемпионлигини қўлга киритишди.

Шунингдек, финалгача етиб келган тажрибали чарм қўлқоп усталаридан Шерзод Хусанов ва Жасур Матқонова хал қилувчи бахсларда рақибларига имконият бой бериб, қумуш медаллар билан чекланиди. Бехзод Хидиров ва Шерзод Абдурахмоновлар эса бронза медалларига эгалик қилишди.

Ўш полвонлар беллашуви Халқ таълими вазириги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси мамлакатимизнинг турли нуқталарида мусобақалар ташкиллаштириб келмоқда.

Яқинда ана шундай турнирларнинг навбатдагисига Фарғона вилояти Кува шаҳри мезбонлик қилди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси соврини учун бўлиб ўтган "Пахлавон" кураш клуби очик биринчилигида 300 нафардан ортиқ ёш спортчи голиблик учун бахс олиб борди.

Мурасасиз курашлар остида икки кун давом этган мусобақаларда Хасан Тўхтапулатов, Зафар Тоиров, Алишер Файзиев, Мухаммадали Норов, Самад Ўшмурадов, Нозим Қаримов, Муқаллас Қубетова ва Нафосат Фафоровалар ўз вази тоифаларида шоҳрусликнинг энг юқорисидан жой олишди. Биринчилигида 8 ёшдан 16 ёшгача бўлган спортчилар иштирок этишди.

Маскаевнинг кейинги рақиб ким? Бутун дунё бокс кенгаши (WBC) йўналиши суперогир вазнида жаҳон чемпиони Олег Маскаевнинг кейинги рақиб ким бўлишини маълум қилди.

WBC мута-саддиларининг таъкидлашича, Маскаев 23 декабрь куни Москвада Петер Океллога қарши жанг ўтказиши агар у ушбу "жанг"да ғалаба

Тошкентда жаҳон чемпионати Мамлакатимизда деярли ҳар йили қўлаб нуфузли турнирлар ўтказилиб келинмоқда.

Бу, албатта, юртимизда спорт мусобақаларини ташкил этиш учун барча шарт-шароитлар мавжудлигидан далолат беради.

Яқинда яна бир жаҳон чемпионатида мезбонлик қилиш учун давлатимиз пойтахти Тошкент шаҳри танланди. Халқроқ Самбо федерацияси ҳамда Ўзбекистон маданияти ва спорт ишлари вазириги қилиши билан Тошкент шаҳрида фахрийлар ўртасида самбо бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтади.

29 сентябрдан 3 октябрга қадар ЖАР спорт мажмуасида ўтказилган учуш мусобақада дунёнинг 33 давлатидан 400 нафар самбочилар голиблик учун кураш олиб борди. Унда тўққиз нафар ҳамюртимиз ўз омадларини синаб кўришди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, спортнинг бу турида ҳам вакилларимиз юқори ўринларни қўлга киритишган. Жумладан, Бишкекда ўтказилган Осий чемпионатида икки самбочилимиз китъа чемпионлигига сазовор бўлишганди.

"Интер" яна мағлуб Чоршанба куни Европа клублари ўртасида Чемпионлар лигаси гуруҳ бахсларининг 2-тур учрашувлари давом эттирилди. "А" гуруҳидан жой олган ўтган йилги лига голиби "Барселона" "Вердер" меҳмони бўлди ва 1:1 ҳисобидаги дуранг натижани қайд этди.

"Левски"га қарши сафарда тўп сурган "Челси" 1:3 ҳисобида ғалаба қозонди. "В" гуруҳидан жой олган Москванинг "Спартак" клуби ҳам ниҳоят бир очкони қўлга киритди. Москвалик футболчилар "Спортинг" билан дуранг ўйнади - 1:1. Ўтган турда "Спортинг"дан мағлубиятга учраган "Интер" бу турда ҳам ўз майдонида "Бавария"га имкониятни бой берди - 0:2. "С" гуруҳидан жой олган "Ливерпуль" ўз майдонида "Галатасарой"ни 3:2 ҳисобида мағлуб этган бўлса, "Бордо" мухлислари олдида ПСВ "Эйндховен"га муносиб қаршилик кўрсата олмади - 0:1.

"D" гуруҳи жамоалари ўйинлари аса қўйидаги натижалар билан яқунланди: "Шахтёр" - "Олимпикас" 2:2, "Валенсия" - "Рома" 2:1.

Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.

"Ғаллабанк"

мижозларга 15 дан ортиқ жозибадор омонат турларини жорий этган ҳолда, "Пахта - 2006" йиғим-терим мавсумида иштирок этаётган ҳамюртларимизга юқори фойзли янги

"OLTIN XIRMON" ва "SAXOVATLI KUZ" қисқа муддатли омонат турларини тақсиф этади.

"OLTIN XIRMON" қисқа муддатли омонат турига 2006 йил 11 сентябрдан 1 октябргача бўлган муддат давомида маблағлар 3 ой сақлаш ва йиллик 24 фойз устама тўлаш шарти билан қабул қилинади. Фойзалар омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.

"SAXOVATLI KUZ" қисқа муддатли омонат турига 2006 йил 11 сентябрдан 11 октябргача бўлган муддат давомида маблағлар 4 ой сақлаш ва йиллик 24 фойз устама тўлаш шарти билан қабул қилинади. Фойзалар ҳар икки ойда тўлаб борилади.

Омонатларнинг бошланғич энг кам миқдори 100 минг сўм қилиб белгиланган бўлиб, банкнинг барча филиалларида қабул қилинади. Барча мижозларнинг маблағларини хатарсиз сақлаб, ҳисобланган фойзалари билан ўз муддатида қайтарилиши ҳамда унинг қатъий сир сақланиши "Ғаллабанк" томонидан қафолатланади.

"Ғаллабанк" омонатлари келгуси даромадларингиз қафолатидир! "Ғаллабанк" хонадонингизга барака келтирсин!

Бош муҳаррир: Ҳасан РАҲМАТ. ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АХМАД, Агитай АДИЛОВ, Уктам БАРНОЕВ, Фахриддин КАЛОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Фафур ШЕРМУХАММАД. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Аграрно-соҳил комплекс тарихидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазириликлар ва идоралар. ТЕЛЕФОНЛАР: Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими - 136-58-83, 136-56-25, Котибият - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-40-87. ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси - 8-361-58-512-17, 22-35-753; Андижон - 8-374-22-234-08; Бухоро - 8-365-22-844-61; Жиззах - 8-372-22-608-34; Наманган - 8-369-41-234-23; Фарғона - 8-373-81-221-97; Самарқанд - 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё - 8-376-46-626-61; Сирдарё - 8-367-37-23-813; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-623-50; Қашқадарё - 8-375-22-517-85. РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР МАТНИ УЧУН БУЮРТМАЧИ ЖАВОБГАР: -тижорат мақола. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. НАВБАТЧИ: М.БЕКМОВ. Саҳифаловчилар: Р. ЁДГОРОВ, А. САФОНОВА. Бош мусавҳах: О.РУСТАМОВА.